

Юртимиз «Ислом – эзгулик ва тинчлик дини» номли халқаро конференцияга мезбонлик қилади



12:04 / 10 октябрь 828

2024 йил 15-16 октябрь кунлари дунё илм-фан намояндаларининг диққат-эътибори яна юртимизга қаратилади.

Тошкент ва Хива шаҳарлари «Ислом – эзгулик ва тинчлик дини» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияга мезбонлик қилади.

Мазкур халқаро анжуманда исломшунос олимлар, соҳа мутахассислари, илмий тадқиқотчилар, юртимизда кўзга кўринган илм-фан арбоблари билан бир қаторда дунёнинг 30 га яқин мамлакатидан 80 дан ортиқ уламолар ўз маърузалари билан иштирок этадилар. Хусусан, замонамизнинг мужтаҳид олимларидан бири, Дорул улум Карачи Ислом университети профессори, муфтий, шайх Муҳаммад Тақий Усманий ҳазратлари, Миср Араб Республикаси Бош муфтийси, шайх Назир Муҳаммад Айёд ҳазратлари, Дорулулум Девбанд мадрасаси мудирини, Ҳинд уламолари жамияти раиси мавлоно Аршад Маданий ҳазратлари ташриф буюришади.

Конференция иши мусулмон мамлакатлари, АҚШ, Европа, Туркия ва бошқа мамлакатларнинг нуфузли нашрларида, шунингдек, маҳаллий телеканаллар, газета ва журналлар ҳамда интернет нашрлари орқали кенг ёритиб борилади.

Мазкур нуфузли халқаро конференцияда барчангизни кутиб қоламиз.